



Бундан 100 йил олдин конхўр Михаил Фрунзе кўмондонлиги остидаги совет кўшинлари Бухоро амирлигининг пойтахти ва мусулмонларнинг дурдона шахри саналган Бухорони бомбордимон килиб, забт этганди. СССР тарихида бу Ўрта Осиёда ўрта асрларга хос бўлган феодализм ўчоқларини тугатиш бўйича қахрамонона жасоратлардан бири бўлди, Бухоро ишғол килинганидан сўнг бошланган маҳаллий аҳоли қаршилиги эса босмачилар ҳаракати деб атала бошлади.

Бирок ҳозирги кунда, айниқса, ўша даврга оид бўлган ҳужжатлар билан танишиб чиқиш имкони пайдо бўлгач, ушбу тарих биров бошқача кўринишга эга бўлганлиги маълум бўлди.

Россия империяси Ўрта Осиё ҳудудини ишғол қилган пайтга келиб Бухоро амирлиги бу ерда мавжуд бўлган учта энг йирик давлатдан бири эди. Қолган икки давлат бу — Амударёнинг қуйи оқимида, қадимий Хоразм ҳудудида жойлашган Хива хонлиги ва маркази Фарғона водийсида бўлган Кўкон хонлиги эди.

XIX асрда Ўрта Осиё нисбатан қамбағал ҳудуд эди, бу ерда Амир Темур даврдиги ёки ундан олдин мавжуд бўлган Хоразмшоҳлар буюқлигини ёдга солиб турадиган ҳеч нарса қолмаганди. Бунинг асосий сабаби ўша пайтга келиб Буюк Ипак йўлининг амалда фаолият кўрсатмай қолгани бўлган. Тахминан XVI–XVII асрлардан бошлаб Европа ва Осиё ўртасидаги савдо узил-кесил европаликлар қўлига ўтиб кетди ва факат денгиз йўллари орқали амалга оширила бошлади. Натижада Ўрта Осиё муҳим транзит ҳудуддан Ислом дунёсининг чекка бир қисмига айланиб қолди.

Учала давлат, Бухоро амирлиги, Хива ва Кўкон хонликлари ўтмишдаги чингизийлар авлоди бўлган хонларнинг ўрнини эгаллаган ўзбек қабилаларининг энг яхши намоёндалари томонидан ташкил қилинганди. Гуллаб-яшнаган даврларда Фарғонада водийсида жойлашган қисмини истисно қилганда ҳозирги Тожикистон, Хиндикуш тоғларидан Панж дарёсигача бўлган Афғонистон шимоли ҳамда Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари билан бирга ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг бир қисмини эгаллаган Бухорода ҳукумат тепасида мангитлар сулоласидан чиққан амирлар ўтирарди.

Ҳарбийлар элитасини ўзбекларнинг қўчманчи қабилаларидан чиққан вакиллар ташкил қиларди, ҳам туркий, ҳам тожик тилида сўзлашган асосий аҳоли қишлоқлар тўлаш

уларнинг мажбурияти бўлган райа ижтимоий катламига кирарди, шу билан бир пайтда амирлар шахсий гвардиясни турли кўчманчи кабилалар хисобига тўлдирарди. XVIII–XIX асрларда уларнинг орасида бир пайтлар Мангишлоқдан сиқиб чиқарилган ва ўша пайтлар Бухоро амирлиги таркибига кирган, ҳозирги Туркменистоннинг Лебап туманида қарор топган туркманларнинг эрсари кабиласидан туркманлар кўп эди. Ҳозирги кунда туркман гази асосан айнан шу ердан казиб олинмокда.

Бухоро амирлиги Ўрта Осиёдаги энг йирик давлат бўлган ва XIX асрда минтаканинг катта қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатган Россия империяси билан охириги бўлиб тўқнаш келган. Агар Кўкон хонлиги охир-оқибатда тугатилган, Хива хонлиги Россия ҳукуматига тўлиқ қарам бўлиб қолган бўлса, гарчи айрим ҳудудлар, жумладан, Самарканд устидан назоратни Россияга топширига мажбур бўлганига қарамай, Бухоро маълум даражада мустакилликни (автономия) сақлаб қолди. Амалда Бухоро амирлиги Британия Ҳиндистони остонасидаги ерлар учун қураш олиб бораётган Россия ва Британия мустамлақачи империяларининг таъсир ҳудудлари ўртасида ўзига хос «буфер» ҳудуди бўлган. Гарчи амирлар қучларнинг ҳақиқий жойланиш тартибини ва Россиянинг таъсири устунлик қилишини тушунсада.

Инқилобга қадар амирлик Россия протекторати остида бўлган. Унинг ҳудудида ташкил қилинган рус аҳоли пунктларида Бухоро юрисдикцияси амал қилмасди. Бу мустамлақачилик даврида бутун Осиёда ҳамма жойда мавжуд бўлган европача сентльментларнинг бир тури эди. Шу билан бир вақтда Бухорода Россия капиталли кенг иштирок этарди, бу ерда товар шаклидаги пахта ишлаб чиқариш ривожланган, темир йўл қурилган. Амир Саид Олимхоннинг ўзи Петербург пажлар корпусини битирганди. Россияда рўй берган 1917 йил инқилобидан кейин Россия амирлик ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бироқ 1918 йилнинг март ойига келиб ўша пайтлардаги Туркистон Халқ комиссарлари кенгаши раиси, авантюрачи Федор Колесов кизил армиячилар отряди билан Бухорога қуролли ҳужум уюштирди, бу эса тинчи аҳолини - ҳам бухороликлар, ҳам русларни қиргин қилиш билан биргаликда қузатилган низонинг бошланишига сабабчи бўлди.

Гарчи амирликка жиддий зарба берилган, маҳаллий аҳоли ва ҳарбийларнинг Россияга қаршилиқ қайфияти эса жуда қучли бўлсада, эҳтиёткор Саид Олимхон ҳарбий тўқнашувдан қочиб қилишни афзал қўрди. Буюк Британия вакилларининг каттик илтимослари ҳамда Сибир ва Каспийортидаги «оқлар» ҳаракати раҳбарияти томонидан қўндиришга қаратилган жиддий ҳаракатларга қарамай, Бухоро Совет Россиясига қарши урушга қирмади ва Фуқаролар уруши даврида марказий ҳудудлардан ўзиб қўйилган Совет Туркистонига орқадан зарба бермади. Бу ҳолатда Хивадан тортиб Ёттисувгача бўлган улкан ҳудудда тарқок ҳолда жойлашган ўн минг кишига ҳам бормайдиган Тошкентдаги совет ҳукумати бардош бера олмаслиги эҳтимоли юқори эди.

Сибирда оқлар устидан қозонилган ғалабадан, шунингдек, Каспийорти фронтдаги муваффақиятлар ва Туркистонда 1919 йил совет ҳукумати мустаҳкамланиб олганидан сўнг Бухоро ҳукуматининг эҳтиёткорона позицияси муносиб баҳоланиши лозимдай эди. Бироқ 1920 йил март ойида совет қўшинлари қутилмаган зарба бериш билан Хива хонлигини босиб олди ва бу ерда Хоразм Республикасини эълон қилди. Бухорода жиддий ҳавотирга тушиб қилишади, бундан ташқари, амирликнинг рус аҳоли пунктлари ҳудудида жаҳидлар номи остида ҳам машҳур бўлган «ёш бухороликлар» - Туркистондаги модернизм ҳаракати тарафдорлари қўним топади. Умумий мазмунда жаҳидлар анъанавий мусулмон жамиятини модернизация қилиш учун, маҳаллий

аристократияга карши, умумий Туркистон учун ҳаракат килиб, ўз дунёкарашлари бўйича Покистон ва Хиндистон асосчилари Али Жинн ва Жавахарлал Неруга якин бўлган. Бирок улардан фаркли равишда жаидлар британияликлар томонидан ташкил килинган институтлар – судлар, армия, университетларга таяна олмаган ва эски аристократияга карши мустиқил равишда кураша олмаган. Шу сабабли улар рус инқилобчиларидан ёрдам кутишган.

Руслар, гарчи жаидларни қўллаб-қувватлаган бўлсада, амир ҳукуматини тинчлантиришга ҳаракат қилган. Бухородаги Советлар вакиллари Аксельрод ва Гуревич Олимхонни «дўстлик даври» келди деб ишотиришга ҳаракат қилган. 1920 йил 30 мартда шахсан амир билан учрашув вақтида Фрунзе Россия «Бухоронинг ҳудудий дахлсизлигидан юкори даражада манфаатдор» эканлигини таъкидлаган.

Шу билан бир пайтда, махфий буйруқ ва кўрсатмаларда Бухоро амирлиги ҳудудидаги рус аҳоли пунктларида гарнизонларни кучайтириш кўрсатилган. 7 май куни Аксельрод «хаддан ташқари юмшоқ сиёсат»да айбланиб, Бухородан чакириб олинади, унинг ваколатлари эса Бухоро масаласини ҳарбий йўл билан ҳал қилиш тарафдори бўлган Луцевич-Зарембега берилади. 13 май куни Ташки ишлар халқ комиссарлигининг Туркистондаги вакили «Бухорога нисбатан сиёсий ҳулқ-атвор тезислари» тузиш ҳақида буйруқ олади. 22 май куни Россия компартияси МК сиёсий бюроси Қорахоннинг тақдимоти бўйича бухоролик инқилобчиларни қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Бундан бир неча кун олдин, 18 май куни, совет қўшинлари Эроннинг шимолий қисмида қириб келиб, бу ерда Форс совет республикаси «қўғирчоқ» ҳукумати тузади. Шу билан бир пайтда 31 май куни Лондонда дастлабки совет-британ савдо алоқалари ўрнатилди. Фуқаролик уруши давом этаётган шароитларда Буюк Британия бир-бирига карши курашаётган томонлардан бирини қўллаб-қувватлаши Лондон қелишиб олишга карши эмаслигидан далолат берарди. Табиийки, совет қўшинларининг Буюк Британия жиддий манфаатларга эга бўлган Осиёда фаол ҳаракат қилиши муҳокама мавзуларидан бири бўлган. Британияликлар Совет Россияси билан муносабатларда Шарқни советлаштиришни давом эттиришни тўхтатиш эвазига мурасага қелишишга рози бўлиши шубҳасиз эди. Троцкий ва Ленин бу савдолашиш учун баҳона бўлиши мумкин деб ҳисоблаган, бирок қўллаб коммунистлар жуда қатъий ва кескин қайфиятда бўлган. Махшур коммунист Сокольников бу кунларда Совет Россиясининг бош мақсади Форс қўлтиги ва Месопотамия томон ҳаракат қилиш деб ҳисоблаган. Бошқа бир инқилобчи Геллер эса дастлаб қучларни Бухорога, ундан кейин Эронга, сўнгра Хиндистонга ташлаш қарар деб ҳисоблаган.

Бухорода умумий вазиятдан хабардор эдилар, албатта, бу ерда британияликлар ва афгонлар билан алоқа қўллаб-қувватланарди. Шу сабабли Совет Россиясига нисбатан игво билан фитна чиқармаслик ҳамда Москва ва Лондон ўртасидаги алоқаларда бирон-бир қелишувга келмагунга қадар вақтни қўзиш амир учун асосий вазифа ҳисобланган. Мос равишда, амир тўқнашувнинг олдини олишга ҳаракат қилган, Тошкентнинг барча талабларини қондирган, июлда Москвага фавқулодда элчилар жўнатиб, ёш бухороликларни қўллаб-қувватлашни тўхтатиш ҳақида илтимосини бекор қилган.

Бирок Москвада шуни ҳам тушунишардики, британияликлар билан қутилаётган музокаралар арафасида улар билан савдолашиш учун қўлда қўпроқ «қўзир»га эга бўлиш қарар. Бухоро осон ўлжа бўлганлиги сабабли унинг ҳудудини босиб олиш Лондон учун

стратегик ахамиятга эга бўлган ҳудудда глобал музокаралар бошланишидан олдин ўз позициясини кучайтиришни англатарди.

Июлдан бошлаб Туркистон матбуотида Бухорога қарши тарғибот кампанияси бошланди, бунда амир бор гуноҳларнинг барчасида айбланди, амир ҳукумати қонунийлигига шубҳа билдирган газабланган бухороликларнинг хатлари чоп этилди. Тошкентда чиқадиган «Известия» газетасида босиб чиқарилган мақолалардан бирининг сарлавҳаси маънодор эди – «Бунга барҳам бериш зарур». Бир вақтнинг ўзида Фрунзе Москвага хат ёзиб, унда «воқеа-ҳодисалар учун жавобгарлик Бухоро ҳукумати зиммасига юкланиши учун бор кучлар қўлланиши лозим» эълонлигини кўрсатади. 30 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган ҳарбий бюро йиғилишида у Бухорога қарши операция 15-20 август кунларига мўлжаллангани ва бир кунда қўнлангани лозимлигини маълум қилади.

Шу аснода вазият кескинлашиб борарди. Кизил армиячилар амирлик ҳудуди ва унинг чегараларидаги таянч пунктларни эгаллаб олдилар, Бухонинг ўзида эса кўп жихатдан диний сабабларга асосланган ватанпарварлик руҳида қўтарилиш бошланди, вақти-вақти билан тўқнашувлар рўй берарди. 10 август куни Москвада сиёсий бюро Куйбишев ва Фрунзенинг хатлари асосида, Аксельрод ва Гопнернинг эътирозларига қарамай, «Бухоро ва унга чегарадош ҳудудларда рус халқи ва Россия муассасаларини ҳимоя қилиш» ҳақида директива қабул қилади.

12 августда Фрунзе ҳарбий қисмларга «бухоролик инқилобчилар чиқишининг кутилиши муносабати билан» бор позицияларни эгаллашга буйруқ беради. Бухорога бостириб кириш эса 1920 йилнинг 29 августидан бошланди.

Шок ва хайрат

29 август тонг соат бешда Эски Чоржўй босиб олинди ва бу ерда ёш бухороликлар тарқибидан инқилоб қўмитаси ташкил этилгани ҳақида маълум қилинди. Қўмита қўзғолон бошлангани ҳақида эълон қилди ва зудлик билан Совет Россиясидан ёрдам сўраб мурожаат қилди. Шундан сўнг шу йилнинг май ойида Фурманов билан бирга машҳур Верный қўзғолонини бостиришда иштирок этган дивизия қўмондони Белов бошчилигидаги 2,5 минг кишидан иборат ёш бухороликлар қўшини Бухорони штурм қилишга йўл олди. Бироқ ҳужум қилаётганлар – уларнинг орасида еттисувлик кизил армиячилар ҳам кўпчилик эди – кўп сонли қўнгиллилар иштирокидаги 15 минг кишидан иборат амир ўшинларининг жиддий қаршилигига дуч келди, катта йўқотишларга учради ва чекинди.

Вазият шу қадар жиддийлашдики, кичик кучлар билан катта шаҳарни забт этиш амри маҳол эди. Шунда Фрунзе артиллерия ва авиациядан фойдаланишга буйруқ беради. Шаҳар томонга 12 мингдан ортиқ турли, жумладан, кимёвий снарядлар билан зарба берилди, 11 та самолёт шаҳарни тўхтовсиз бомбардимон қилди. Бомба ёғдириш уч кун давом этди. Шаҳар маркази вайрон қилинди, шаҳарга бостириб қирган қўшинлар уни талай бошлади, қўплаб масжидлар отхона ва қазармаларга айлантирилди. Москвага фронт штабидан жўнатилган хатда маълум қилинишича: «босқинчилик, талон-тарож шу даражада авжига чиққан эдики, уни тўхтатиб ҳам бўлмасди».

То Фрунзе мародерларни отиб ташлаш хакида буйрук чикармагунга кадар, кизил армиячилар шаҳарни тўрт кун таладилар, шундан кейин ҳам талончилик тезда тўхтагани йўк. Москва вакили Машицкийнинг ёзишича, аскарлар ва командирлар Регистондаги ҳамма биноларни таладилар, якин атрофдаги кишлоklar аҳолисига нисбатан оммавий зўравонлик амалга оширдилар. Куйбишевнинг шахсий кундалигида қайд этилишича: «15 сентябрь – аскарлар талончилик қилмокда, 16 сентябрь – аскарлар талончилик қилмокда, 24 кути қимматбаҳо зийнат буюмлари, 17 сентябрь – Махсус бўлимга мародерликка қарши курашни қучайтиришни таклиф қилиш».

Гиждувон яқинидаги тоғларда 2-байналмилал кавалерия полки қочиётган амирни қувиб етгач, Ҳафат кизил армиячиларнинг қарвонни талашга қиришиб кетганлиги амирнинг жони омон қолишига сабабчи бўлди. Бунда полк командири ва унинг комиссари «қимматбаҳо зийнат буюмлари қолинган яшиқ, бир қоп олтин, тилла қамар, қимматбаҳо тошлар билан безатилган тилла қурол, бриллиант юлдуз ва х.к.» ўзиники қилиб олди. Шуниси ҳам маълумки, қосқинчилик қилиб тоқилган ўлжадан ўз улушини олмаган қронепоездлар командири 2-байналмилал кавалерия полки командиридан тилла қамар ўғирлайди ва бунинг учун қибса олинади. Кейинроқ армия қўмондонлар тарқиб барча қўлга қиритилган ўлжалар уларга маҳаллий аҳоли ва инқилоб қўмитаси томонидан қовга қилинган деб туриб олади. Ҳаттоки Фрунзе ҳам амирнинг шаҳар ташқарисидаги қаройидан бир жуфт тилла қилични ўзи билан бирга олади.

Кейинчалик ҳукумат тартиб ўрнатишга ҳаракат қилади ва Бухорода тортиб олинган мулкларнинг топишга эришилган қисми қўйхатини тузиб, Тошқентга жўнатадилар. Бу қўйхат нақадат олтин ва қумушдан иборат эди, балки «1007 та қўйлак, 1174 та қопон, 596 та қўрпа, 1 та пальто ва 13 та палас»ни ҳам ўз ичига оларди. Бошқа ўлжалар орасида «металлдан ясалган будильник», «эмалланмаган қаравот қоялари қуббаси» ҳам бор эди. Бундан ташқари, Бухородан жуда қўп миқдордаги товарлар ҳам олиб қикиб қетилган бўлиб, бу бухоролик инқилобчиларга иқтисодий талончилик ҳақида гапиришга имқон берди.

Оқибатда Бухоро олтинининг қатта қисми қомаълум йўналишда йўқолиб қетди. 1925 йил Дзержинский ўз ёрдамқиси Қацнельсонга «Бухоро амирининг 15 млн олтин рублга тенг тиллалари қарга қумдон бўлгани»ни аниқлашни тоқширди. 1921 йилнинг 21 сентябрида, Фрунзе учун генерал Врангелга қарши қалабага олиб қелган урушдан сўнг сиёсий бюро унинг ишини қўриб қикди, бу иш доирасида унга Бухорода қўёки армиялар қўмондонларидан «тилла таёқ, бриллиант юлдуз ва тилла револьвер» қовга қилиб олганлиқда айблов қўйиш масаласи муҳоқама қилинди. Лекин Фуқаролик уруши қаҳрамониға қарши иш бости-бости қилиб юборилди.

Ғалабадан сўнг

1920 йилнинг октябрь ойида совет қўшинлари Шарқий Бухорога юриш бошладилар – бу ҳозирги қунда Тожиқистоннинг жанубий қисми, Ғарм ва Қўлоб қилояти ҳамда қойтахт Душанбе шаҳри қисобланади. Бу ерда жудда қаттиқ қаттиқ қаршилиқ қўрсатилди, боз устига, кизил армиячилар аҳолининг қиний туйғулари билан қисоблашиб ўтирмасдан,

яна масжидлардан отхона сифатида фойдаланиб, кишлокларни талашни бошлаганди. 1-Туркистон кавалерия дивизияси кўмондони Спасскийнинг гувоҳлик беришича, «жанговар полклар партизанларга ва ундан ҳам ёмони –бандитларга айланиб кетди». 1921 йилнинг ёзида Шаркий Бухорода умумий кўзголон бошланди. Дивизия кўмондон лавозимини Спасскийдан кейин эгаллаган Винокуровнинг ёзишича: «Назарий жихатдан биз бу ерда совет ҳукуматини мустахкамладик, амалда эса минглаб камбағалларни қиличдан ўтказдик, ҳозирнинг ўзида 15 мингдан ортиқ кўзголончи кириб ташганди». «Босмачилар» деб аталган кўзголончилар томонга нафакат милиционерлар, балки 1-Бухоро ҳарбий мактаби курсантлари тўлиқ таркибда ўтиб кетди, Бухоро республикаси МИК раиси Хўжаев ва ҳарбий министр жаҳид Арифов ҳам исёнчилар тарафига ўтди. Арифов аҳолига мурожаатида қуйидаги сўзларни ёзганди: «Мен босмачилар – коммунистик вақханалия ва большевистик деспотизмга қарши бош қўтарган кишилар эканлигини анчадан бери билардим... Шиор – демократик республика, Туркистон учун кенг мухторият, Бухоро ва Хиванинг мустақиллиги». Шаркий Бухоронинг тоғли ҳудудларида уруш ҳаракатлари 1930-йилларгача давом этди. Совет қўшинлари таркибида ўн йил ичида 30 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлди, маҳаллий аҳолидан неча киши ҳалок бўлганини эса ҳеч ким санаб ҳам ўтирмаган. Умуман олганда, бу Афғонистонда олиб борилган совет сиёсатининг ўтмишдаги тимсоли эди, бу ерда ҳам мўътадил ҳукмдор ағдирилди, мамлакат ҳудуди советлаштиришга ҳаракат қилнди, 10 йил ичида маҳаллий аҳолини ҳисобга олмаганда 15 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлди. Лекин советлар бу урушда мағлуб чикдилар, чунки йигирманчи асрнинг охирида уруш жуда қимматга тушарди, инсонлар ҳаёти эса, йигирманчи йиллардаги фуқаролик уруши билан таққослаганда, анча қадрланар эди.

Абу Муслим таржимаси